



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 26 сентябрь, чоршанба

№76 (11.361)

Эркин нарда сотилади

Пахта - 2001

ҒАНИМАТ ДАМЛАР

• Терим суръати уюшқоқлик, сафарбарлик, бор имкониятлардан оқилона фойдаланишдан ташқари, табиийки, об-ҳавога ҳам боғлиқ. Демак, ёлғирсиз дақиқалар қадрига етиб, теримни сусайтирмаслик чораларини кўрмоқ зарур.

• Йиғим-терим ишлари ҳар жихатдан пухта ташкил этилган туманларда кунлик суръат ҳамон юқори бўлаяпти. Хусусан, Чиноз, Юқоричирчиқ, Пскент, Оққўрғон туманларида оммавий сафарбарлик таъмин-

ланмоқда. Шу боис кунлик ўсиш бошқа туманларга нисбатан бирмунча юқори.

• Вилоят бўйича ўтган кун 10396 тонна пахта тайёрланди. Бу йиллик режага нисбатан 3,78 фоизга тенг.

• Бугунги кунгача даладаги ҳосилнинг учдан икки қисмидан кўпрогини йиғиштириб олишга улгурилди. Ҳозирги асосий вазифа ғанимат дамларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, илғорлар тажрибасини қўллаб, суръатни янада оширишдан иборат.

Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2001 йил 25 сентябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён (фоиз ҳисобида))

Чиноз	4,00	81,65
Бука	3,30	71,13
Юқоричирчиқ	3,10	70,99
Янгийул	3,01	70,90
Юқоричирчиқ	4,10	69,35
Пскент	4,20	68,15
Оққўрғон	4,65	66,46
Бекобод	3,98	59,08
Қийимчирик	3,70	55,78
Вилоят бўйича	3,78	66,97



ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА

Охунбобоев — Ўртачирчиқ туманидаги энг йиллик ҳужалик. Биргина пахта майдонининг ўзи 985 гектар. Юки оғир ва айниқса, ерлари тош-лоқ бўлишига қарамай, ҳужалик деҳқонлари узига хос тадбиркорлик билан иш қилиб, ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришмоқдалар. Илгари хабар қилганимиздек, бу йилги мавсумда ҳам улар карвонбошилиқ анъанасига содиқ қолиб, давлатга пахта сотиш режасини туманда биринчи бўлиб адо этдилар. Шуниси ибратлики, шартнома режасида белгиланган 2660 тонна ҳосилни йиғиштириб олиш учун бор-йўғи икки ярим ҳафта кифоя қилди. Бундай муваффақиятга далада мул ҳосил етиштириш ва йиғим-теримни оқилона ташкил этиш ҳисоби-га эришилди.

— Тўғриси айтганда, бу йилги ютуғимизнинг бош омили техникага таянганимиз бўлди,

— дейди ҳужалик бошқаруви раиси Қўрбонали Жўраев. — Ўзимизнинг ўн та терим машинамиз бор. Биз уларни тула қувват билан ишлатиш учун мавжуд имкониятнинг ҳаммасини ишга солидик. Уларни ўзимизнинг механик-ҳайдовчилар бошқаришди. Бундан ташқари 431 пудратчи оила аъзолари ҳар кун теримда фаол иштирок этди. Энг муҳими эса, биз асосан ички имкониятлардан фойдаланганимиз боис салмоқли даромад оладиган бўлдик.

Дарҳақиқат, Охунбобоев номли ширкат ҳужалиги аъзоларининг бугун қувончлари чексиз эканлигини ушбу суратда ҳам яққол куриш мумкин. Бошқарув раиси Қўрбонали Жўраев (уртада) илғор механизатор Собир Ортиқов (чапда) ва бригада бошлиғи Аширмат Каримовни дастлабки гала-ба билан табрикламоқда.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҒАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинлаш тўғрисида

Қозим Носирович Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 25 сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҒАРМОНИ

К.Н.Тўлагановни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Қозим Носирович Тўлаганов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 25 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ЯҚДИЛМАН

Финляндиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб хизмат қилаётган чоғида мустақил демократик давлатнинг шаклланиши, унинг ижтимоий-маънавий жихатдан юксалишининг шохиди бўлиб, иқтисодий ривожланиш босқичларини кузатишга муассар бўлганман.

Бой тарихий меросга эга ва келажақда буюк бу аjoyиб ўлка дипломатик хизматининг эркин саҳифаларидан бири сифатида бир умрга ёдимда қолади.

Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг янги тарихи Президент Ислам Каримовнинг номи билан боғлиқ. Бу жасоратли инсон, ўз халқининг ҳақиқий фидойиси билан бир неча бор мулоқотда бўлиб бахтига мушарраф бўлдим. Унинг иродаси ва узоқни кўра билиш қобилияти тўғрисида бугунги кунга келиб Ўзбекистон минтақадаги дадил ривожланиб, хорижий сармоядорларнинг юксак ишончини қўлга киритган давлатлардан бирига айланди.

Комил ишонч билан айтишим мумкинки, Ислам Каримовнинг феномени шундан иборатки, у халқни ижтимоий-иқтисодий ҳалокатдан асраб қолиб, жамиятда миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни сақлаган ҳолда мамлакатни ўз тараққиёт йўли билан гуллаб-яшнаш сари олиб борди.

Ўзбекистон раҳбари жаҳон ҳамжамиятида халқаро терроризм тинчлик ва барқарорликка солаётган таҳдиднинг қўлларини чуқур ҳис эта оладиган сиёсатдир.

Таъкидлаш жоизки, Финляндиянинг собиқ президенти М.Койвистонинг 1992 йилда Ўзбекистонга таърифи чоғида минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш масалалари мазокараларда алоҳида ўрин эгаллади.

АҚШда содир бўлган ғайриинсоний ва қабих террористик хуружлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ доирасида Терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ҳақидаги ташаббусининг кечиктириб бўлмас ва долзарблигини яна бир бор исботлади.

Ишончим комилки, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар ва ўзаро манфаатли хамкорлик бундан кейин ҳам бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида ривожланаверади.

Фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон халқини миллий байрам — Мустақилликнинг 10 йиллиғи билан табриклаб, чин қалбимдан бахт, тинчлик-хотиржамлик ҳамда ҳур ва мустақам давлат қуришда муваффақиятлар тилаб қоламан.

Антти Койстинен, Финляндия. («Жаҳон» АА).

Мустақиллик йилларида маънавиятимиз, маданиятимизга эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бунга ҳар лаҳзада қўриб, билиб яшоямиз. Президентимизнинг раҳбарлиги санъат аҳлини ижтимоий муҳофазасида, айниқса, яққол намойён бўлди. «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз фаолиятини жўшқинлик билан бошлади. «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, «Ўзбекрақс» уюшмасининг тузилиши мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа деб эътироф этилди. Кун кеча эълон қилинган Президентимизнинг «Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида»ги Фармони санъат ижтимоидари томонидан зўр қувонч билан кутиб олинди.

Бундан бир неча йил аввал Абдор Хидоятон номли драма театри саҳнаси замон талабларига мослаб қайта қурилганда, санъат оламида катта ўзгаришлар рўй бера бошлаганини сезган эдик. Чунки, ҳар бир улкан вазифа ўзига яраша бунёдкорликни талаб этди. Мана шундай бунёдкорликни биз Ҳамза театри мисолида кўрдик. Нисбатан қисқа муддат ичида у тубдан қайта бунёд этилди. Томошалар зали ниҳоят-

да кўркем тус олди. Театрнинг ҳуснига ҳусн қўшилди. Унинг улғуворлиги, салобати бир неча баробар ошди. Натижада, яна бир улғувор санъат қошонасига эга бўлдик. Ушбу театр саҳнасида «Алишер Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Иймон», «Отелло», «Ҳамлет», «Олтин девор», «Келинлар кўзголини», «Чимилдик» сингари юзлаб аjoyиб томошалар ҳаёта йўл олганини мануният билан эслаймиз. Бу саҳнада Абдор Хидоятон, Шукр Бурхон, Обид

ҒУРУРИМИЗГА ҒУРУР ҚЎШИЛДИ

дейишмоқда миллий театримиз ижодий жамоаси

Жалилов, Сайфи Олимов, Ғани Аъзамов, Олим Ҳўжаев, Замира Хидоятон, Сора Эшонтураева, Шариф Қайумов, Наби Раҳимов

сингари буюк актёрлар ўзларининг энг яхши роллариини ижро этганлар. Фармонда таъкидланганидек, мамлакатимизда профессионал театр санъатини

янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида

эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадий баркамол асарлар яра-

тишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, одамлар онига эзулиқ гоёларини сингдириш — кўзланган асосий максаддир. Айни чоғда миллий театрининг асосий вазифалари қилиб буюк маънавий меросимиз, бетакрор қадриятларимиз, ўзбек миллий театри

AZIZ D'OSTLAR!

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида 2002 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ҳам обуна расмийлаштирила бошланди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ! Шу кунлардан бошлаб унга тўхтовсиз ёзилишингиз ва яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЁНАРИҚДА БОЛАЛАР БОҒИ

Қибрай туманидаги Ёнариқ қишлоғи марказида «Маданият» ширкат ҳўжалиги бошқаруви саъй-ҳаракатлари тўғрисида Болалар дам олиш ва истироҳат боғи ташкил этилди.

Бир гектарлик майдонни эгаллаган соя-салқин бу гўшада кичкинтойларнинг қунаб-яйраб уйнашлари, маданий мазмунли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Истироҳат боғи ёнида қад ростлаган 2 минг ўринли уйингоҳ эса спорт шинавандалари ҳамда кичкинтойларни турли-туман қизикарли спорт тўғрисида билан ўзига жалб этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

БЎЛАЖАК ЗОБИТЛАР ҚАСАМЁДИ

Кун кеча Чирчиқ олий танқ кўмондонлари ва муҳандислари билим юртида янги қабул қилинган курсантларнинг ҳарбий қасамёдида бағишланган Очик эшиклар кун мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Шонли ва бой жанговар тарихга эга бўлган мазкур билим юртининг сафлар майдонига билим юрти зобитлари ва курсантлари, республика Мудофаа вазирлиги, жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар ҳамда шаҳардаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари таширф буурдилар.

Билим юрти бошлиғи, генерал-майор Феруз Усмо-

нов шахсий таркиб ҳамда тадбирга йиғилган меҳмонларни бу кун билан қўтлаб, уларга зафарлар тилади. Майдон узра курсантларнинг дадил ва бардам овоздаги қасамёдлари янгради. Шундан кейин билим юрти шахсий таркиби зобитлари ҳамда курсантлар гуруҳлари минбар олдида саф тортиб ўтдилар.

Салима ЯМИНОВА.

МАҲАЛЛАДА МЎҲЖАЗ ЎЙИНГОҲ

Юқоричирчиқ туманидаги Бордонқўл қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Миробод маҳалласида талайгина ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ерда тўй-ҳашамлар, маъракалар дабдабасиз, исҳам ўтишига эришилапти. Бунда, айниқса, маҳалла фаолларини қўвўштириб, уларга бош бўлаётган оқсоқол Анвар Ғофуровнинг ҳиссаси катта бўлаётди. Маҳал-

ла фарзандларини соғломлаштириш ишини энг муҳим вазифа деб билган оқсоқол тадбиркор ҳомийларни жалб этиб, Миробод маҳалласида мўҳаж ўйингоҳ бунёд этишга ҳам бош-қош бўлди.

Саид МАХМУДОВ.

ҚИММАТ ХОМ АШЁ ТЕЖАЛАДИ

Чирчиқдаги «Электромеханизм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 57-цеҳи анча вақтдан бери ишлай турган эди. Яқинда унда қайта қуриш ишлари бошланиб кетди.

Бу ерда фойдаланилган катализаторни ажратиб олиш ва уни қайта ишлатиш имконини берадиган технологик тизим қуришга киришилди.

Кимё фанлари доктори Абдулла Дадаҳўжаев томонидан кашф этилган бу усул турли хил кимёвий реакцияларни тезлаштириб берадиган катализаторларни те-

жаш имконини беради. Ҳозирги вақтда бундай қимматли ва зарур хом ашё четдан келтирилмоқда. Шулар ҳисобга олинса, янгиликнинг аҳамияти ва иқтисодий самараси салмоқли бўлиши яққол кўринади. Энг муҳими валюта тежаб қилинадиган бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Муносабат

анъаналарини изчил давом эттириш, миллий истиқлол гоёларига ҳамоҳанг, бадий жихатдан юксак саҳна асарлари яратиш, халқимиз, аввало, ёшларимиз қалбига миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат, истеъдодли санъаткорлар, ёш актёрлар, драматург ва режиссёрлар, саҳна санъати мутахассисларининг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ўзига хос ижодий мактаб бўлиши белгиланиши ҳам беҳиз эмас.

Театримизга шундай юксак мактаб берилиши унинг ҳар бир аъзоси зиммасига жуда катта масъуллиқ юқлайди, — дейди театр директори Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. — Албатта, замон билан ҳамнафас бўлиш, халқимизнинг дидига мос томошалар яратиш осон иш эмас.

Лекин, Зикир Мухаммаджонов, Турғун Азизов сингари устозлар, Теша Мўминов, Мухамдали Абдуқундузов, Эркин Қомилов, Саидқомил Умаров, Гулчехра Жамилова, Марат Азимов, Гавҳар Зокирова, Саида Раҳметова, Раъно Ярашева, Зухра Ашурова, Лола Элтоева сингари ижодий куч-қуввати тўлиб-тошган санъаткорларимиз билан ҳар қандай вазифанинг адо этилишига ишонаман.

Томошабин ҳамиша саҳнада ҳаёт инъикосини кўриш иштиёқида театрдек муқаддас даргоҳга таширф буюрди. Бу юмуш эса, актёрлар истеъдоди, меҳнати билан яралди. Ўзбек миллий академик драма театрининг ижодий жамоаси мана шундай шарафли ишни адо этиш ишқи билан яшашига, ижод қилишига ишонамиз.

Темур УБАЙДУЛЛО.

ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР
СИФАТИ УЧУН

Тошкентда «Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлиги» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди. Мазкур анжуман жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик дастури (FAO), Халқаро ҳаёт институти (ILSI), БМТ Тараққиёт дастури (BMT ТД), Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

— Анжуманда Ўзбекистон, Қозғистон, Турманистон, Тожикистон соғлиқни сақлаш вазирликлари вакиллари иштирок этаётди, — деди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги эпидемиология нозирати департаментининг бошлиғи Нурмат Отабеков. — Маҳсулот сифати шубҳасиз, жамият тараққиётининг объектив қонуни ва техник тараққиёт ривож омилларидан биридир. Истеъмолчилар қайси мамлакатда истикомат қилишдан қатъий назар, улар озиқ-овқатдан касалланишдан тегишли тарзда ҳимояланган бўлишлари лозим. Бунга барча мамлакатлар халқаро андозалардан фойдаланган ҳолда халқаро савдо чегараларидан эришилари мумкин.

«Туркистон-пресс».

БУЮК БРИТАНИЯ
— ЎЗБЕКИСТОН
ДЎСТАЛИК
ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Буюк Британия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг расмий тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Таниқли давлат арбоби ва бизнесмен сэр Т. Сейнсбури ушбу жамиятнинг Президенти, Савдо ва иктисодиёт бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраиси доктор Х. Бут жамият раиси, доктор Ш. Акинвер (Лондон университети) раиснинг ўринбосари бўлдилар.

Маросимда Буюк Британиянинг Европа ишлари бўйича вазир П. Хейнинг мазкур янги жамият тузилиши муносабати билан йўллаган қутлов хати ўқиб эшитирилди. Жамият раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов ва Буюк Британия Бош вазир Тони Блэр номига табрик мактуби йўлланди.

Мардон ЁҚУБОВ,
«Жаҳон»АА мухбири.ҲАМ ҲАШАР,
ҲАМ САВДО

Пскент тумани кунлик пахта тайёрлаш бўйича юқори суръатни таъминлаётди. Бунда Охангаронлик ҳашарчиларнинг ҳам салмоқли ҳиссалари бор.

ХУСУСАН, Ислиддин Ҳайдаров номли ширкат хўжалиги далаларида пахта тараётган Охангарон тумани «Улғуржичакана-савдо» ишлаб чиқариш

граммдан пахта териб, бошқаларга намуна бўлаётилар.

Охангаронлик савдо ходимлари умумхалқ ҳашарида фаол қатнашиш билан



бирлашмасининг ёрдами самарали бўлаётди. Айни кунларда бирлашманинг 110 нафар ходими ўртача 50-60 килограммдан пахта териб, 5,5-6 тонналик хирмон уймоқда. Шаҳодат Қодирова, Алишер Аллакулов, Шаҳобиддин Хамидов, Дилором Эргашева, Шоҳида Аблазимова сингари ҳашарчилар кунига 80-100 кило-

бир вақтда туман далаларида йигим-теримда банд бўлганларга бевосита пахтазорларда савдо хизмати кўрсатмоқдалар. Иккита кўча автодўкон ҳар кун дала айланмоқда. Ҳозирги кунгача жами 2,5 миллион сўмликдан зиёд озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари сотилди.

Ўз мухбиримиз.

ТЕРИМЧИЛАРГА
ҚУЛАЙЛИК

ЧИНОЗ туманида пахта теримида уюшқоқликни таъминлашдан ташқари, йигим-теримда иштирок этаётганларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Терим машиналарига техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи қуйиш, қўл терими қатнашчиларига тиббий ва савдо хизмати кўрсатиш ишлари бевосита далаларга кўчирилган.

Айни кунларда «Минг-чинор» савдо корхонасининг автодўкони тумандаги энг йирик Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», «Гулзоробод» ва «Йўлтушган» ширкат хўжаликлари пахтазорларида 134 хил озиқ-овқат ва бошқа ноозик-овқат маҳсулотлари билан савдо хизмати кўрсатмоқда.

Орзикул МАЪМУРОВ.

«ЛОЧИН»
ҲАММАДАН
ЎЗДИ

ҚУЙЧИРИЧҚИ туманидаги Улғубек номли ширкат хўжалиги таркибиде фаолият юритаётган «Лочин» фермер хўжалиги бу йил ҳам пахта йигим-теримида ҳаммадан ўзиб, маррага биринчи етиб келди. Саккиз гектар майдондан биринчи теримдаёқ 32 центнердан хирмон уюлди. Ана шу ҳосилнинг ҳаммаси қўлда териб олиниб, юқори навага сотилди.

— Йигим-теримга қариндош-уруғ, қўни-қўшиларни жалб этишимиз қўл келди, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи Тўраҳўжа Исроилов. — Биз ёрдамчиларга ҳар кун кечкурун терган пахталари ҳақини тўлаб борамиз. Шу боис биринчи терими 14 иш кунинда тугатди. Иккинчи терим ҳали шундоқ турипти. Умумий ҳосилдорлик камида 40 центнерга етади.

Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссдорлик жамияти сифатли хом ашё учун Жаҳон Халқаро Сара-лаш қўмитаси томонидан «Халқаро олтин юлдуз» медали билан мукофотланган санокли корхоналардан биридир.

450 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур жамоада айни кун-

ЯНГИ ҲОСИЛДАН
ТОЛА

ларда иш қизгин бораётган, туман хўжаликларида қабул қилиб олинаётган хом ашё қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилляпти.

— Корхонамиз бу йил туман ширкат ва фермер хўжаликларида 27 минг 311 тонна пахтани қабул қилиб олиш учун шартнома имзолаган бўлса, ҳозиргача 4 минг тоннадан ошди. «Оқ олтин» қабул қилиб олди, — дейди корхона раҳбарининг муовини Ан-

вар Мўминов. — Олинаётган толаннинг 80-90 фоизи хорижий мамлакатларга экспорт қилинаёпти.

Корхона тўлиқ таъмирдан чиқаришда юқори самарадорликка эришилляпти. Жамоа хайрли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Туман «Нуроний» жамғармаси, кўрлар жамиятига яқиндан ёрдам бериб келаяпти. Жамоа 3-, 29-мактабларни ўз оталиғига олган.

Ақбар АЛЛАМУРДОВ.

СУРАТДА: И. Ҳайдаров номли ширкат хўжалиги бригадаси бошлиғи Умар Аҳмедов (унда) охангаронлик ҳашарчилар Абдурашид Айнуллоев ва Алишер Аллакуловларга миннатдорчилик билдиришда.

ҒОЛИБЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ

йида беш кунлик яқунлари тахлили чоғида илғорлар шарафланди.

19-маҳсус ҳунар билим юрти талабалари иккинчи беш кунликда 67 минг 600 килограмм пахта териб, энг юқори натижага эришдилар. Шунга кўра Юқоричирчиқ тумани ҳокими Алишер Фафоров бу жамоага рангли телевизор тақдим этди.

Шунингдек, туман марказий шифохонаси, Бўстон қишлоқ фуқаролари йигини, туман халқ таълими бўлимлари ҳам Юқоричирчиқ туман ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

— Гап совғада эмас, эътиборда, — деди йигилишда сўз олган Паркент тумани ҳокими М. Қўчқиев. — Юқоричирчиқ тумани ҳокими Алишер Фаф-

форовга раҳмат. Бугун паркентлик ҳашарчиларга 1,5 миллион сўмлик совға тақдим этилди. Бу меҳнатчиларимизни янги зафарларга ундаши шубҳасиз.

Шундан сўнг Паркент тумани ҳокими ҳам илғорларни маҳсус совғалар билан тақдирлади. Иккинчи беш кунлик якунида пешқадам бўлган «Чанги», «Намданак», «Гулбоғ», «Навбахор», «Бойқозон» ширкат хўжаликлари, деҳқон бозори, туман матлубот жамиятлари уюшмаси жамоалари қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлдилар.

Саидмаҳмуд
АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: Ғолибларга совғалар топшириш пайти. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ШУ
СОҒАКАТТА КАРВОН
МАРРАГА ЕТДИ

Оққўрғон туманидаги йирик «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги давлатга 2230 тонна ўрнига 2250 тонна сифатли пахта топшириб, режани барвақт ва ортиғи билан адо этди.

Хўжалик уруғчиликка ихтисослашган. Шу боис 882 гектар майдоннинг қарийб ярмида уруғлик пахта етиштирилди. 2250 тонна ҳосилнинг ҳаммаси четдан ёрдамчи жалб этилмай, ички имкониятларни сафарбар этган ҳолда йиғиб-териб олинди ва юз фоиз биринчи навага сотилди.

Турсунали Халилов, Абдулла Эргашев, Очил Умаров, Нодир Халилов, Қайнар Саидов раҳбарлик қилаётган оилавий пудратчи гуруҳларда шу кунгача йиллик режанинг 120 фо-

изига етказиб пахта тайёрлашга эришилди.

— Пудратчиларимиз иш ҳақларини вақтида таълим олиб турганлари учун ўзларига бириктирилган майдонларда ҳар йили барқарор юқори ҳосил етиштирмоқдалар, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Эргаш Нисёзов. — Бу йил ҳосил, айниқса, мўл бўлди. Даладаги қолган ҳосилни чамалаб кўрдик. Яна камида 1200 тонна пахта топшириш имкониятимиз бор. Ана шу эзгу мақсадни қўзлаб, йигим-теримни қизгин давом эттирмоқдамиз.

ЯНА УЧ ХЎЖАЛИК
РЕЖАНИ БАЖАРДИ

Чиноз туманида кетма-кет учта хўжалик давлатга пахта сотиш режасини мuddатидан илгари бажарди.

Жумладан, Т. Охунова номли ширкат хўжалиги шу кунгача 890 тоннадан зиёд пахта топширди. Ҳосилнинг 25,3 фоизи машиналарда териб олинди. 95 фоиз пахта биринчи навага қабул қилинди.

Шунингдек, куни кеча «Гулзоробод» ва «Эшонобод» хўжаликлари деҳқонлари ҳам дастлабки доводдан ошдилар. Энди улар қўшимча мажбурият ҳисобидан пахта топшириши давом эттирмоқдалар.

Кўргазма

ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Тошкентда иккинчи Ўзбекистон Халқаро «Телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари» кўргазмаси давом этмоқда. Кўргазмалар марказининг 1-павильонида жаҳондаги 12 мамлакатнинг 50дан ортиқ компанияси телекоммуникациялар ва компьютер тармоғи соҳаларида юқори технологияларни намойиш қилмоқда. Ўзбекистоннинг барча минтақалари ва Марказий Осиё мамлакатлари — Қозғистон, Қирғизистон ва Туркменистондан 12 мингдан ортиқ киши уч кун давомида кўргазма экспонатлари билан танишиши ва кўплаб шартномалар тузилиши кутилмоқда.

Лобар ТУРАБОВЕВА.

Танлов

2001 ЙИЛНИНГ ЭНГ ИЛҒОР
ЎҚИТУВЧИСИ КИМ
БЎЛАДИ?

Бугуннинг ўқитувчиси деганда, албатта, илғор, ташаббускор, замон билан ҳамнафас муаллимлар назарда тутилади.

Таълим тизимининг самардорлиги кўп жиҳатдан шундай изланувчан ва фидойи ўқитувчиларга боғлиқ. Қарийб ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» анъанавий кўрик-танловининг мақсади ҳам соҳада меҳнат қилаётган фидойи кадрларни аниқлаш, рағбатлантириш ва таърибасини кенг тарғиб қилишдан иборат.

Республика Таълим марказида танловнинг якуновчи босқичи бошланди. Унда кўрикнинг туман, шаҳар, ви-

лоят босқичида ғолиб чиққан 14 нафар ўқитувчи иштирок этмоқда. Улар Тошкентдаги 110-мактабда намунавий дарс ўтмоқда.

Ўқувчиларга миллий истиқлол ғояларини сингдириш, дарс жараёнида энг янги педагогик технологияларни қўллаш, ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш ва уларни билимга қизиқтира олиш каби жиҳатлар танловнинг бош мезони ҳисобланади.

Назозат УСМОНОВА,
Ў.А.ТАЪМИРЛАШДА ҚЎЛ
КЕЛМОҚДА

Темир йўллари таъмирлашда Австрия техникалари жуда қўл келмоқда. Шу сабабли ҳам «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссдорлик компанияси ана шу хил замонавий машиналар учун буюртмалар берди.

Ўзаро келишувга мувофиқ йўл таъмирлаш техникаларидан тўрт сидраси республикамизга олиб келинди. Ҳар бир сидрада тўрттадан машина бўлиб, улар ёрдамда майдаланган тошларни тозалаш, йўлни текислаш, эгри-бугри жойларни тўғрилаш ҳамда йўлни мустаҳкамлаш

жараёнлари амалга оширилади.

Австрия машиналаридан бир сидраси компаниянинг 2-йўл таъмирлаш корхонаси ихтиёрига берилди. Бу техникалар Олмазор-Чиноз темир йўл бекатлари орқали йўллари таъмирлашда ишлатилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

ИЗЛАНИШДАН
ТЎХТАБ БЎЛМАЙДИ

Деҳқончиликнинг ўзига яраша сир-асрорлари кўп. Булардан бири — агротехникага оид ҳар бир тадбирни синчковлик билан, эринмай, ўз вақтида ва маромида амалга оширишдир. Ана шунда тер тўкиб қилинган меҳнат ҳосиласи «мана ман» деб кўзга ташланади. Демакки, мўлжалдаги ҳосил етиштирилади, режалар барвақт бажарилади. Тошкент тумани қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг виллояда биринчилардан бўлиб маҳсулот сотиш режасини бажарганликларини эшитганимизда, табиийки, ҳаёдан ўтди бу фикрлар. Тўғри, бу гаплар янгилик эмас, туман савбозторларининг ютуғи, маҳорати шундаки, улар ана шу эски гаплардан ҳам янги маъно кашф этиб, ўз фаолиятларида оқилона фойдаланмоқдалар.

— Шундай эмасми? — деб сўрадик туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Маъмур Пулатовдан.

— Президентимиз ер ўзининг ҳақиқий эгасини топсин деб тақдор-тақдор айтадиган тилаклари эндиликда чинакам ижобатини топаётми, — деди у. — Энг муҳими деҳқоннинг онги, дунёқараши, ерга бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Бизга ҳамма имконият, шарт-шароит яратиб берилляпти. Меҳнатимиз самарасидан энг аввало ўзимиз манфаатлар бераётган. Бундан ортиқ бизга яна нима керак?

— Гапим қуруқ бўлмас-

деҳқонларга мукофот тарихида бўлиб берилди. Дивиденд сифатида берилган 20 миллион сўм маблағ, бу ҳисобга қўйилди. Қисқаси ҳар бир ширкат аъзосининг ўртача иш ҳақи 25-30 минг сўмданга тўғри келади.

Табиийки ҳосилдорликнинг ортиши, яъни маҳсулотнинг кўпайишида уруғчиликнинг рисоладагидек йўлга қўйилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу борада ҳам тошкентликлар ибратли ишларни амалга оширдилар.

Оқиб, биз ҳудудимизда жойлашган савбозторчилик, картошқачилик илмий тадқиқот институти имкониятларидан тула фойдаланмасдик. Ҳокимиятнинг саяё-ҳаракати билан бу камчиликни бартараф этишга астойдил киришилди. Тўғри-да, институтда бўлиб, олимлар билан суҳбатлашсангиз улар «ундай нава яратдик, бундай нава яратдик» деб айтишларди. Деҳқонлардан эса, фалон ердан бу нави олиб келдик, фалон жойдан у нави олиб келдик деган гапни эшитасиз. Ахир бу қанақаси бўлди? Келинган амалий ҳамкорлик қилайлик. Деҳқонлар билан ёна-ён ишлаш, яратган навларингизни сизлар бир томонда, деҳқон эса иккинчи томонда экиб,

ўстирсин. Қўрайлик натижа қандай бўларкин, — дейишди.

Бу мулоҳазалар институт раҳбарларига ҳам маъқул бўлди. Илмий ҳулоса, янгиликлар кўпроқ бевосита деҳқонларнинг қузатуви, дала шароитида уларнинг назоратида синаб кўрила бошланди.

Уста, миришкор деҳқонлар илғомга тақлид этилди. Эркин фикрлашув, очик-часига мулоқот уюштирилди. Деҳқон билан олимлар, нава яратувчилар қозғога қараб эмас, даладаги натижага қараб ҳулоса чиқаришни афзал деб билдилар. Кўп нарсалар ойдинлашди. Деҳқонлар нава ижодкорларига тавсия этилган навининг афзаллиги нимада-ю, заиф томонлари нимада, мисоллар билан айтиб бердилар. Шундай қилиб ҳамкорликнинг янги қирралари бўй кўрсатди. Шу асосда энг яхши навлар танланди, ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиш йўлга қўйилди, самараси эса қувончли бўла бошлади.

— Бу тадбирлар бизнингча, хўжаликлари у ёки бу экин турларини экиб ўстиришга ихтисослаштиришда ҳам муҳим оим бўлди. Бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жойиз деб биламан.

Қишлоқ ва ислохот

Истеъмолчиларимиз яхши биладилар. Бир вақтлари Навоий номли ширкат хўжалиги помидор етиштиришда донг таратган эди, эндиликда эса бу хўжалик картошка етиштиришга ихтисослаштирилди. Бунда институт томонидан яратилган «Тўйимли» нави қўл келди. Туман бўйича картошка ҳосилдорлиги 160 центнерни ташкил этган бўлса, мазкур хўжалиқда янги навадан 176 центнердан ошдириб ҳосил олинди. «Тошкент» ширкат хўжалиги деҳқонлари эса, уч-тўрт йилдирки, помидордан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳаддини олганлар.

—Кўп жойларда бу экинга касал тушиб, биринчи ҳосилни териб улғурмасданок палаклари қуриб қолади. Яқинда мен хўжалиқда бўлганимда помидор палаклари кўм-кўк бўлиб яшнаб турганиниги, шигил-шиғил ҳосилни кўрдим.

Чунки, деҳқонлар помидорнинг қайси навини экиш, қандай қилиб парваришлаш, касалликлардан асраш йўллари яхши биладилар. Бу йил улар «Янгилик» навини экишди. Бу навининг афзаллиги томони шундаки, у касалликка чидамли, ҳосили қаттиқ, унча-бунчага эзилмайди, узок мавсогоға ташиб олиб бориш учун ҳам қулай, уринмайд. Лекин деҳқонлар ҳосили чидамли, деб қараб туришмайди. Парвариш жараёнида касалликка қарши қурашда олтингургурдан оқилона фойдаланадилар. Ўсув жараёнида олтингургурт қуқуни помидор тулларида уч-тўрт марта сепилляди.

Ҳозиргача хўжалиқда 100

гектар помидорнинг ҳар гектаридан 21 тоннадан ҳосил олинди. Шунга алоҳида қайд этиш керакки, хўжалик ўзи етиштирган помидорни ўзидеги мавжуд қайта ишлаш цехида тўлиқ қайта ишляди. 4-5 хил консерваланган маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотлар нихоятда харидорғир. Хўжалик ҳам, деҳқонлар ҳам бундан катта наф қўрадилар. Дейлик, бир килограмм помидорнинг хариб нархи 35-40 сўм, қайта ишланганда эса у 80-90 сўмга айланади. Хўжалиқда помидордан олинаётган соф фойданинг кўпайиб бораётганлиги сирларидан бири ҳам шунда.

— Халқини, юртини уйландиган деҳқон бугунги ютқудан сира мағрурланмабди, узокни кўзлайди, шундай эмасми?

— Бу бор гап. Хали далада 200 гектардан ортиқ майдондаги кечки савбозот экинлари ҳосилларини йиғиштириб олишимиз керак. Ҳосилдан бўшаган ерлар эса пешма-пеш ҳайдалиб, келгуси йил тарадудиди қўрилмоқда. Хусусан, бугундан бўшаган 2250 гектар майдоннинг деярли ярми уруғлик сепишга тахт қилиб қўйилди. Фаллакорларимиз фаллани 1 октябр-гача экиб тугаллашни мўлжал қилиб турибдилар. Шундай қилинса келгуси йил хирмонининг ҳам баракали, салмоқли бўлиши учун замин яратилляди.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

Ислохот самараси

«ЎЗКИМЁЛОЙИХА»:

БУЮРТМАЛАР
КЎПАЙМОҚДА

Кимё саноатини иқтисодиётдаги ўрни алоҳида. Халқ ҳўжалиги қатор соҳаларнинг юксалиши муайян даражада унга боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда, саноотнинг бу тармоғини ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Кимё саноати ўз маҳсулотларини ички бозордан ташқари кўплаб хорижий буюртмачиларга ҳам етказиб бера бошлади.

— Саноатнинг бу тармоғини янада тараққий эттириш йўли давом этмоқда, — дейди Чирчиқдаги «Ўзкимёлойиха» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Ҳамидулла Назаров. — Ҳукуматимиз яқинда қабул қилган қарорда кимё саноатини ривожлантиришнинг яқин йилларга мўлжалланган янги режаси белгилаб берилди. Шунга мувофиқ мавжуд корхоналар қайта қурилади, кўпчилик эскириб қолган асбоб-ускуналар алмаштирилади, айнаи вақтда бу соҳанинг янги тизимларини қуриш, илгор технологияларни жорий қилиш, унинг экспорт салоҳиятини кучайтириш назарда тутилган.

— Бу қарорда белгиланган режаларнинг бажарилишига сиз раҳбарлик қилаётган жамоа қандай ҳисса қўшади, — сўраймиз Ҳамидулла Сотволдиевичдан.

— Аввало, шуни айтиш керакки, жамоамизнинг барча аъзолари бу қарорни маъқуллаб қўшиб олдилар. Уни рўёбга чиқаришга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшимиз керак, албатта. Унда лойиҳачиларимиз зиммасига юклатилган вазифалар бирма-бир санаб ўтилган. Қолаверса,

бирлашмамиз соҳанинг етакчи лойиҳалаш ташкилоти ҳисобланади. Шундай бўлгач, ишларимиз кўлами ҳам, лойиҳалар тури ҳам кўпаяди. Бу бутун куч-ғайратимиз, билимимиз, маҳоратимизни сафарбар этиб ишлашимизни тақозо этади. Жамоамиз эса бунга тайёр.

Бирлашмада ишлар кенг кўламда олиб борилаётганлиги яққол кўзга ташланади. Барча бўлимлар ва устакхоналарда у ёки бу лойиҳа устида қизгин ишланаётганлиги, буюртмачилар билан амалий мулоқот ва маслаҳатлашиш бораётганлигининг ғувоҳи бўлди.

Мутахассислар бир йўла бирнеча муҳим иншоотларни қуриш, мавжудларини қайта қуриш билан боғлиқ бўлган лойиҳалар устида иш олиб боришяпти. Бу иш ҳажмининг нисҳатда катта эканлигини ҳис қилиш учун шуни таъкидламоқчимизки, шу кунларда бу ерда «Фарғона-азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд аммофос корхонасини қайта қуришни, Наманган ва Фарғона целлюлоза комбинатлари, Қўнғирот сода, Навоий каустика сода ишлаб чиқариш корхоналарини навбатдаги иншоотларини лойиҳалаш давом этмоқда.

Лойиҳачилар ер қазиш ишларидан тортиб ишлаб чиқариш мажмуаларни бунёд этиб, ишга туширишгача бўлган жараёнларнинг лойиҳаларини тайёрлаб бермоқдалар ва унга амал қилиниши устидан назорат олиб боришяпти.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, жамоа тайёрлаётган лойиҳаларнинг аксарият қисмини чет эллик тadbиркорларнинг инвестициялари асосида барпо этилаётган ёки қайта қурилаётган корхоналар буюртмалари ташкил этмоқда. Бу жамоа тайёрлаётган лойиҳалар ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлаётганлиги далолатидир.

Кейинги беш йиллик давомида буюртмалар тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Чунончи, 1997 йилда 77,5 миллион сўмлик лойиҳалаш ишлари бажарилган эди. Ундан кейинги йилда унинг умумий ҳажми 100 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. 1999 йилда 167,4 миллион сўмликка етди. Йигирманчи асрнинг охириги йилида кимё саноати корхоналарининг 283 миллион сўмлик буюртмалари адо этилди. Жорий йилда унинг ҳажмини сезиларли ошириш назарда тутилган. Жамоа шу вақт ичида 400 миллион сўмлик атрофидаги лойиҳаларни бажариш учун ишламоқда.

Шокир ТЎҒОНОВ,
Собир ҲАМИДОВ.

Кейинги йилларда халқимизнинг азалий миллий қадриятлари тикланиб, маҳаллалар чинакам тарбия, хонадонларро ҳамкорлик ўчоқларига айланиб бормоқда. Маҳаллий бошқаруvingнинг баъзи вазифалари, жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг амалий жиҳатлари юклатилгонлиги маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги нуфузини ошириб юборди.

«Маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самарадорлиги нималарга боғлиқ?»
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири «Маҳалла» жамғармаси Оққўрғон туман бўлимининг раиси Носиба Мажиждога шундай савол билан мурожаат қилди.

— Албатта, маҳалла етакчиларининг етуқлигига боғлиқ-да, — деди Мажиждо. — Чунки, маҳаллада, айтиш мумкинки, барча ишлар жамоатчилик асосида олиб борилади. Шу боис асосий «юк» маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг раислари зиммасига тушади. Агар у ташкилотчилик лаёқатига эга бўлмаса, фаолларни ўз атрофида қовуштира олма-са, ёлғиз ўзи қанчалик уринмасин, ҳаёт илгари сураётган вазифаларни муваффақиятли бажара олмайд.

Жамғармамиз янгиланаётган давлатнинг кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини амалга ошириш, маҳаллаларда маънавий-маърифий тарбияни йўлга қўйишда давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари фаолиятини марказлаштириб, мувофиқлаштиришда тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётди. Туманимизда мавжуд бўлган 84та маҳалла, айтиш мумкинки, бизларнинг асосий фаолият майдонимизга айланган.

Биз давлат томонидан икки ёшли болалари бор,

16 ёшгача болалари бўлган ва кам таъминланган оилаларга ажратилётган бюджет маблағлари, бошқа хайриялар аниқ ва тўғри тақсимланишини ташкил этишда муайян тажриба орттирдик. Фаолларимиз бундан ташқари, бир марта ердан берилмаган хонадонларнинг ҳам шароитларини ўрганиб, тегишли ҳуло-са чиқариб, зарур чоралар қўришди.

Шуни айтиш керакки, кейинги йилларда маҳаллаларнинг раиси Мукаррам Ғуломовани олайлик. Касби ўқитувчи бўлган Мукаррамой талабчан, ҳақиқатқўй, қонунчиликка қаттиқ сўяиб ишлайди. Шу боис одамлар унга эргашяпти. Ҳар бир фикрига қўшилиб, қўллаб-қувватлашади. Маҳаллада тотувлик қарор топгани, ободончилик ва тарбия ишлари ўз самараларини бераётганлиги шундан. Умуман, шаҳримиздаги 9 маҳалладан 3 тасига аёллар етакчилик қилишяпти. Биз

да одамлар билан ишлайдиган тажрибали, чинакам жонкуяр ташкилотчилар кўплаб етишиб чиқмоқда. Улар орасида аёллар ҳам оз эмас. Бу фаолларимиз халқ дardини, ташвишини чуқур англаб, ҳар бир масалани адолатли ҳал қилишлари туфайли халқнинг меҳр-муҳаббати ва ишончини қозонишяпти. Чунончи, Оққўрғон шаҳридаги «Иқбол» маҳалласи фуқаролари йиғи-

уларнинг тажрибасини ўрганиб, ибратли ишларини омалаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Чунончи, Мустақиллик маҳалласининг раиси Нурхон Саидахмедова олиб бораётган ишлар, айниса, намунали. Бу маҳалла асосан кўпқаватли уйлари ўз ичига олган, турли миллат намоёндалари ёнма-ён истиқомат қилишади. Шу боис маҳалла етакчисининг одам-

Маҳалла

хид эътиборни қаратишяпти. Туманимизда 11та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлса, Қаҳрамон қишлоғида олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий ишларни алоҳида таъкидлашнинг истардим. Бу қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Холбуви Қаҳҳорова ҳам, Президентимиз айтмоқчи, элим, халқим деб, қуйиб-ёниб ишлайдиганлардан. Қаҳҳорова вақт билан ҳисоблашмайди, ҳар бир муаммонини вақтида, ҳолисона, қонуний ҳал қилишга эришади.

Биз маҳаллаларда спорт турларини оммавийлаштириш билан изчил шугулланаяпмиз. Чунончи, маҳаллаларро уч ёш гуруҳлари бўйича футбол биринчилигини ўтказдик. Сегизбөөв номили маҳалланинг жамоаси вилоят мусобақасида ҳам ғолиб чиқди, Жиззахда ўтган республика мусобақасида учинчи ўринни эгаллади. Умуман, бу беллашувларда 2108 бола қатнашиб, айтиш мумкинки, ўз малакасини ошириб, жисмоний чиникиди.

Ёш спортчиларимизни қовуштириб, мусобақаларга тайёрлашда Фаффор Норматов, Тангир Мирзақаримов, Эркин Назаров, Аҳмад Мирзақулов каби тadbиркорларимизнинг ҳиссалари катта бўлди.

Қўриб турибсизки, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан фақат оқсоқолларга боғлиқ. Шу боис уларнинг иш малакасини тинмай ошириб боришга алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз.

Жўра Саъдуллаев
ёзди олди.

«НАВОИЙНИНГ ИЖОД ОЛАМИ»

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодида бағишланган тадқиқотлардон иборат «Навоийнинг ижод олами» илмий мақола-лар тўпламини чоп этди.

Тўплам буюк бобокалонимиз шerryати назарий таҳлил этилган мақолалар ҳамда асарларининг маъно-моҳияти, ҳусусан, тасавуф таълимоти билан бевосита алоқадорлик қирраларига бағишланган тадқиқотлардон иборат. Китобда таълиқи навоийшуно олимлар билан бир қаторда иқтидорли ёш тадқиқотчи-

ларнинг мақоаларига ҳам кенг ўрин берилган. Сўз мулкининг сўлтони Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан нашр этилган мазкур тўплам буюк шоир ижодий меросини ўрганувчи илмий ҳодимлар, ўқитувчилар, аспирантлар, олий ўқув юрлари талабалари учун мўлжалланган.

ОКИНАВА КЛАССИК РАҚСЛАРИ ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистонда Япония маданияти кўнлари муваффақият билан давом этмоқда. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон академик рус драма театрида Окинава классик рақсларининг намоиши бўлиб ўтди.

Тadbир муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Япониянинг бутун дунёга машхўр Окинава префектураси аввалига Хитой, сўнг эса Ғарб маданиятининг бевосита таъсирида ривожланган. Айнаи шу сабаб бўлса керак, Окинава аҳолисининг ҳаёти, урф-одатлари, удумлари Кунчақ мамлакатининг бошқа минтақаларидагидан сезиларли даражада фарқлана-

ди. Окинава рақслари ҳам бундан мустасно эмас. Ўзида бир неча ракс мактабининг қонун-қондаларини муҳассамлаштирган гоят жозибадор бу ракс тури бутун дунёда бўлгани каби ўзбекистонлик санъат шай-доларининг ҳам олқишларига сазовор бўлди. Ихлосмандларда Окинава классик рақсига алоҳида меҳр уйғонган, бўлса ажаб эмас.

(ЎЗА).

«Терроризм —
тинчликка
таҳдид»

Тошкент вилоят педагог ҳодимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида Республика Маънавият во маърифат маркази билан ҳамкорликда ана шу мавзуга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Исом Каримов юксак халқаро минбарларда, олий даражадаги мулоқотларда дунёвий муаммоларга айлانган террорчиликка қарши биргаликда курашиш ҳамда унинг илдизлари ва модиявий халқларини йўқотишда манқаро ҳам-жамиятнинг сатъ-ҳаракатларини кучайтириш лозимлигига эътибор қаратганлиги таъкидланди. Хусусан, Юртбошимизнинг куни кеча АҚШ Президент Жорж Буш билан телефон орқали мулоқотида ҳам шу масалалар катта эътибор қаратилган эди.

Анжуманда ўқилган маърузаларда келажак эгалари бўлган ёшларимиз бундай таҳдид ва хавфлардан холи ҳаёт кечириши учун муносиб замин ҳовирлаш долзарб вазифа эканлиги қайд этилиб, бу борада маънавий-маърифий тарбия жараёнида эътибор берилиши зарур жиҳатлар атрофли-ча муҳокама қилинди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири.

Тошкент вилоятининг республикадаги ўрни во салоҳиятини эътиборга олган ҳолда, Тошкент вилоят ҳокими ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг кўшма қарорига биноан 2000 йил 1 декабрдан эътиборан «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши мустақил равишда ўз фаолиятини бошлади.

2001 йил январь ойида вилоят ҳокими ва Марказий кенгаш томонидан тасдиқланган, янги ташкил этилган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши фаолиятини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш ДАСТУРини амалга ошириш борасида кўпгина ишлар қилинди.

«Ватанпарвар» ташкилотининг ажралмас қисмига айланган вилоят кенгаши ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг Президент И. Каримов кўрсатиб берган беш тамойилдан бири — қонун устиворлигини таъминлаш орқали ташкилот Низомига асосланган ҳолда Ватан ҳимоячисини тарбиялашда улқувор вазифани барча давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошироқда.

Вилоят кенгаши қақирқ-қача бўлган ёшлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик иш-

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ МАКТАБИ
Эрта «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилоят кенгаши коиференцияси иш бошлайди

ларини кенг кўламда амалга ошириш, тарбиялаш, Қурол-и Кучлар ва халқ ҳўжалигига керакли турдаги мутахассисларни малакали тайёрлаш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, спортнинг техник, ҳарбий-амалий турларини ривожлантириш масалалари бўйича талайгина ишларни қилишга улғурди.

Бундан ташқари «Она ва бола» Давлат Дастурини бажариш, жойларда тарбияси оғир вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, ёшларнинг бўш вақтини унумли сарфлаш бўйича тегишли ҳокимиятлар билан музокара олиб бориш, бугунга қадар вилоятда 4та шаҳар, 11та туман кенгаши фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вилоят «Ватанпарвар» кенгаши таркибида бугунги кунга қадар 736та бошланғич ташкилот мавжуд. 2001 йил январьдаги кўрсаткичларга қараганда, бугунга қадар бошланғич ташкилотларнинг сони 114тага, «Ватанпарвар» аъзоларининг сони 53524 нафарга ортди. Тошкент ва Қибрай туманларида «Ватанпарвар» кенгашлари тузилиб, уларнинг таъсис конференциялари ўтказилди. Шунингдек, Янгийўл туманида, Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида кенгашлар тузиш бўйича тегишли ҳокимиятлар билан музокара олиб боришмоқда. Бугунга қадар вилоятда 4та шаҳар, 11та туман кенгаши фаолият кўрсатиб келмоқда.

томонидан ажратилган бўш бино бугунги кунда таъмирланиб, ишга туширилиши кўзда тутилган. Ангрен автомактаби ҳам ҳокимият томонидан ажратилган 4 қаватли бўш бинони таъмирлаб, май ойида у ерга қўйиб ўтди.

Чиноз туман кенгаши спорт техник клуби учун ажратилган бинода қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Олмалик автомактаби қошида Марказий кенгаш қарорига биноан ўқув марказини ташкил қилиш кўзда тутилган. Бугунги кунда у ерда таъмирлаш, қурилиш ишлари жадал сурьатда олиб боришмоқда. Жорий йилнинг октябрь ойида мактаб ҳудудида республика

микёсида биринчи ўқув-семинар йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган. Бўстонлик туманидаги Чорвоқ қишлоғи яқинидаги спорт соғломлаштириш максадини, Чирчиқ шаҳридаги Жалолид-

дин Мангуберди номли ўқ отиш спорт мажмуасини таъмирлаш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Вилоят кенгаши жойларда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, умуминсоний қадриятларга сунган ҳолда миллий маф-курани шакллантириш, улар онгини захиралашга интилаётган қора қўнларга бўлган нафратни уйғотиш мақсадида, уруш, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, ҳарбий-спорт байрамларини уюштирмоқдалар.

Юртбошимиз фармонида биноан, автомактабларда курсантлар билан ҳар душанба кунлари дарсдан кейин,



Абдулазиз АБДУҚАҲОРОВ,
Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси.

СУРАТЛАРДА: ташкилот фаолиятини наҳаллар.

Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида Ўзбекистон Кутубхоналар ассоциацияси ташкил этилганининг бир йиллигига бағишланган йиллиги бўлиб ўтди.

Ассоциация томонидан ўтган қисқа вақт ичида юртимиз маърифат ўчоқларининг жаҳон ахборот тизим-ларига чиқишини таъминлаш, фаолиятини автоматлаштириш, кутубхоначилик ишини янада такомиллаштириш борасида муайян тadbирлар амалга оширилди. Хусусан, АҚШ Кутубхоналар уюшмаси, Кутубхоналарнинг Халқаро ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Тadbирда ассоциациянинг истиқболдаги фаолият йўналишлари атрофлича муҳокама қилинди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

Тахририятга
мактуб

РАҲМАТ!

Мен яқинда қон босими ва тана ҳароратининг кўтарилиши билан боғлиқ хасталик оқибатида вилоятимиз солиқчи сақлаш бошқармасининг марказий поликлиникасига мурожаат қилдим. Бош шифокор Мунира Исмоилованинг ҳуш муомаласи, дарҳол кўрсатган тиббий ёрдам натижасида тиббий ёрдам энгил хис қила бошладим. Кеча мана шу аjoyиб мутахассис «Меҳнат шукрати» ордени билан муноволанганлигини эшитиб гоят қувондим, ҳақиқий меҳнат бу оқдот юртада ҳаммиса юксак кадрларига ҳуқур ишон ҳосил қилдим.

Кейинчалик, вилоят марказий шифохонасида даволаниш жараёнида ҳам шундай меҳрибонлики сезиб турдим. Бош шифокорлар Баҳром Ташбековдан бошлаб бўлимларнинг бош шифокорлари Лобар Болтаева ва Мукаддас Камоловалар, юқори тоифали шифокорлардан Арофат Абдураззоқова ва қўлдан қўп бошқа ҳамширалар ўзларининг дилқаш суҳбатлари, юксак даражадаги муоалалари билан беоморлар дardини енгиллаштиришмоқда.

Физиотерапия бўлими мудирини, олий тоифали шифокор Мукаддас Камолова даволаш ишларига бутун таърибаси, маҳоратини бағишлайди, ширинсўз-лиги, одоби билан барчага намуна. Ҳамширалардан Р. Величко, М. Ғофурова, М. Муҳитдинова, Р. Галиуллова, Г. Ҳолиқова, С. Зайнулдинвалар ҳам беоморлар кўнглига йўл топиб, ўз вазифаларини яхши бажармоқдалар. Шу туфайли беоморлар дardларига барвақт шифо топиб, оилалари бағрига қайтмоқдалар.

Минг раҳмат Сизларга, меҳрибон шифокорлар!

Турсунхўжа ТЎХТАЕВ,
меҳнат фахрийси.

УЛУҒ НЕЪМАТ

Сен — ҳаётим, сенсан париваш,
Вужудимда ёнгувчи оташ,
Тириликдан улуг неъмат йўқ,
Сен бўлмасанг кетмас дилдан ғаш,
Езганимдан кўнглим тўлмайди.

Сен — баҳорим, қирдаги лола,
Тоғ кўксига кулган иболо,
Олам яшнаб кетади келсанг,
Дилда борин айлар ҳавола,
Баҳор кетмай гулар сўлмайди.

Тоғлар, Сиздан қарлашим кўп,
Кўксингизда бўлай дарёлар,
Шеър ҳам ёйиб улгураганим йўқ
Лолалардан ясаб дунёлар,
Сизсиз қирга баҳор келмайди.

Замин, Сенга тўймадим ҳали,
Кўпга мақтаб бўлмадим ҳали,
Бағрингизга садоқатимни
Бир сўз билан ўймадим ҳали.
Осмонингда кўёш сўнмайди.

Юрак қиндан чиқдингми, ногоҳ
Ўз эркинни топибсан нигоҳ,
Ватан деган сўзни ардоқлаб,
Бўлагин мудом ўзинга озоҳ,
Ҳар юракни-юрак қўлайди.

БОЛАЛИГИМ КУШЛАРИ

Қари тутга ошён қурган эдингиз,
Баланд эди парвозингиз, дингиз,
Сўнги дамда бизга нелар дедингиз,
Бормисиз, ҳей, болалигим кушлари?

Қунар эди оқ ниятлар гузарга
Кимлар сизни солди билмам бозорга,
Беҳишт йўқдир бундай дили озорга,
Бормисиз, ҳей, болалигим кушлари?

Тўқайзорлар олдимкин бағрига,
Чўқингизми ё самолар нахрига?..
Дуч келмасин ҳеч ким сайё қасрига,
Бормисиз, ҳей, болалигим кушлари?..

Мен эгасиз қолган уйга сўйладим,
Ҳасратларим тўқдим, дилдан
қўйладим,
Қари тутга боқиб сизни ўйладим,
Бормисиз, ҳей, болалигим кушлари?..

БЕКОБОД ШАМОЛИ

Уч, шомолим, уч энди,
Самоларни қуч, энди.
Манқуртлик, лоқайдликни,
Кўнглимизга ётликни
Илбиздан қўчирсанг,
Ер юзидан қўчирсанг,
Ва йўқликка учирсанг,
Сен озод шомолисан —
Бекобод шомолисан!

Гуриллаган далалар,
Авжга чиқар ялалар
Кўнглимга олиб келсанг
Баҳорий илқликни,
Шабнамдай тиниқликни,
Рухларни ювар эдик,
Шайтонни қувар эдик!..

Сен нажот шомолисан —
Бекобод шомолисан!

Бўшиқда чўмилгаймиз,
Шамолга кўмилгаймиз:
Бир ёнда Фарҳод — қалақон,
Бир ёнда Ширин ҳайрон
Маҳбубига қўл чўзган,
Барча учоқдан ўзган,
Тоғлар кўксини бузган
Сен Фарҳод шомолисан —
Бекобод шомолисан!

Саболар сенинг билан,
Наволар менинг билан.
Қуйга тўла дарёлар,
Қалба оқар дунёлар...
Сенга айтдим дардимни,
Сунура қол гардимни,
Топдим сендек дардимни,
Сен обод шомолисан —
Бекобод шомолисан!

Шеърят

ДИЁНАТ

Бор бўл, эй, оламда диёнат,
Мен сенга қилмасман хиёнат.

Эзулик яшаркан кўнглимда,
Мен сени асрайман унгимда.

Мухаббат бор экан, сен борсен,
Бул хаста кўнглимга ҳамкорсен.

Қўқламнинг байроғи лоладир,
Ҳар ёни гул иси оладир.

Мен обод айлаин ўзингни,
Елгонга берма ҳеч сўзингни.

Шодликка тўлдириб ўлакни,
Сўзмоқда эзулик елакни.

Емонлар дунёда кўп дема,
Уйқўқдир биз севган оқ кема.

Диёнат! Қўқламдек яшнавер,
Сен бизни бағрингга бошлавер.

Ашуралӣ БОЙМУРОД.

ЮРТИМИЗ
САНЪАТИ
ҚОҲИРАДА

Мисрлик машҳур
адиб Тоҳа Хусайн уй-
музейида Ўзбекистон
Республикасининг
Қоҳирадаги элчихо-
наси ёрдамида таш-
кил этилган Ўзбек
рассомлари Жолли-
бой Изентоев ва Али-
шер Алиқуловларнинг
асарлари кўргазмаси
бўлиб ўтди.

Кўргазманинг очилиш
маросимида Ўзбекистон
Республикасининг элчиси
С. Иноғомов, Миср Араб
Республикасининг Мада-
ният вазирлиги, фан ва
ишбилармон доиралари
вакиллари, Мисрда таҳсил
олаётган ўзбекистонлик
талабалар иштирок этди-
лар.

Кўргазмага тақдим
этилган асарлар меҳмон-
ларнинг диққатини юрти-
мизнинг ўтмиши ва ҳозир-
ги кунни, республикада
яшаётган халқларнинг анъ-
ана ва урф-одатлари, кун-
далик ҳаётига қаратди.

Қорақалпоғистонлик
рассом Жоллибой Изенто-
ев асарларида кенг ифо-
дасини топган Орол ден-
гизи муаммолари ва унинг
атрофидаги экологик ва-
зият мавзуси ҳамда Али-
шер Алиқуловнинг Тему-
рийлар даврига оид ҳар-
бий-тарихий жанрда яра-
тилган полотнолари миср-
лик санъат ихлосмандла-
рининг диққат-эътиборини
ўзига тортди.

Мисрнинг санъат ва жа-
моат арбоблари ўзбеки-
стонлик мўйқалам усталари-
нинг асарларини «мазму-
нан бой ва композицион
жиҳатдан эҳтиросли» деб
баҳолаб эканлар, бундай
кўргазмалар ва маданий
алмашинувлар бошқа со-
ҳаларда ҳам икки томон-
лама алоқалар учун маъ-
навий замин бўлиб, дав-
латларимиз халқларининг
яқинлашувига қўмаклаша-
ди, деб таъкидладилар.

Бахтиёр ИРИСОВ,
«Жаҳон» АА, Қоҳира.

Ибратнома

ОТ МИНИБ,
ОЛИСНИ КЎЗЛАНГ

Оила аҳли дастурхон ат-
рофида нонушта учун жам
бўлганда, эшик тақиллаб
қолди. Ханифа опа бориб
очди, ҳаял ўтмай қайтиб кир-
ди.

— Нима гап? — сўради
Миртурсун ака.
— Кўшнимизнинг аёли,
иккита нон сўраб чиқибди...
— Бериб юбор, — деди
хонадон соҳиби. — Эшитинг-
га келган одамни беҳожат
қайтарма.

— Узи нима бўлган кўш-
нимизга? — Ханифа опа қайтиб
нонуштага ўтирар экан сўра-
ди. — Ахир топиш-тутиши
жойида бўлса. Тагин оғрин-
япти, деб ўйланган адажони-
си.

Миртурсун ака чой хўплаб,
хаёлга чўмди. Бир ҳафта
олин у маърақада кўшниси
Қодир билан ҳамсухбат
бўлиб қолди.

— Миртурсун, — деди у, —
биласан тўппа-тўзук маош
олиб ишлайман. Бўш кўнла-
римда бозорга чиқаман, на-
сибга яраша тушиб туриб-
ди. Лекин, уйда ҳеч барака
йўқ.

— Бу нима деганимиз
кўшниси? — дафъатан тушунол-
мади Миртурсун ака.

— Чой ичман десанг нон
бўлмайди, ҳамма нарса
бўлса, қуруқ чой топилай-
ди.

Миртурсун аканинг хаёли-
га қадимдан қолган ибратли
ривоят келди: бир кампир
көнжа ўғлини уйлантирибди.
Кўнлик егуликни келинига
ўйлаб бериб, қазоқни қул-
лаб юрадиган бўлибди. Ке-
лин ҳам бир нарса демабди.
Бир кун кампир йўқловга
борадиган бўлибди, келини-
га ҳеч нима демай, одатча
ош-оватга етадиганини
қўлига тутқазиб, қазоқнинг
калитини чўнтагига солиб
йўлга тушибди. Иттифоқо шу
кун кампирни йўқлаб меҳ-
мон келибди, денг. Кампир
уйга қайтса уч-тўртта аёл
баҳузур суҳбатлашиб ўти-
рганимиз. Дастурхонга назар
солса ҳамма нарса бадастур.
Ҳамма хайрлашиб кетганидан
кейин, кампир келинини
ёнига чақирди.

— Шунча нарсани қаердан
олдингиз? Кўшнидан сўра-
дингизми? —

— Йўғе, ойижон, — дебди
келин. — Ҳар кун берадиган
егуликларингиздан бир
қисм-бир қисм олиб қўядим,
ўшани ишлатдим.

— Э баракалла, — хурсанд
бўлиб кетибди кампир. —
Отангизга раҳмат қизим, мана
сизга қазоқнинг калити.
Сизга топширдим бутун
рўзгорни. Энди кўнглим хо-
тиржам бўлди. Ўғлимнинг
топанни тежаб-тергайдиган
турмуш ўртоғи бор...

Миртурсун ака Қодирга
бир нима демадию, фақат
ғалати оҳангда:

— Эракот от миниб, олисни
кўзлаши керак, — деб қўйди.
Орадан икки-уч кун ўтиб
көнжа ўғли эшикдан беш-
олти бўлак нон қўтариб ки-
риб келди.

— Нима бу, қаердан ол-
дингиз? — сўради Миртурсун
ака.

— Анави кўшнимиз бор-ку,
Қодиржон аканинг хотини,
ўша ахлатга ташлаб юборди,
— деди ўғил, — қарасам оп-
поқ нон экан, ичим ачиб,
қўтариб келдим. Ахир то-
вуққа берсак ҳам, увол
бўлмайди-ку.

— Раҳмат ўғлим, — деди
Миртурсун ака. — Тўқинлик-
нинг боши исроф қилмаслик-
да, увол қилмасликда. Шун-
нинг учун ҳам онанг суви
қочган нонни дарров тўраб,
қўтариб қўяди. Бир кунга
ярайди-да...

Бугун бўлса иккита нон
сўраб қиди ўша Қодиржон-
нинг хотини Зулфияхоним.
— Хаёл суриб қолдингиз,
— эрининг жим бўлиб қол-
ганини ўзинча тушунди Ханифа
опа. — Иккита нон одамнинг
хуни эмас-ку, шукур рўзго-
римиз бут, бировдан камчи-
лигимиз йўқ.

— Бунни ўйлаётганим йўқ,
— қўлди Миртурсун ака. —
Зарур бўлса, ҳар кун ёрдам
қўлини чўзишга тайёриймиз.
— Кейин доним ёнида олиб юра-
диган Расуллилоҳнинг Ҳадис-
ларини варақлаб, бир саҳи-
фани очди-да, хотинининг
олдида қўйди. Ханифа опа:
«Кимки ҳаётда тежамкор
бўлса, зинҳор қашшоқликка
тушмайди» деган ҳикматни
ўқиб, бош чайқади-да, эрига
маъноли қараб қўйди.

Ғолиб МИРЗО.

«ДАРЁИ НУР»НИНГ
КИСКА ТАРИХИ

1828 йил бошида
Россиянинг Эрондаги
фавкуллода ва мухтор
элчиси бўлиб тайинланган
Александр Грибоедов ўз
вазифасига жуда масъули-
ят билан қаради.

... Техрон. 1829
йилнинг 10 январи.
Яшанба — дам олиш
куни. Ошхонага лозим
бўлган егуликлар бозор-
дан олиб келинган файтун
ҳайдовчиси эроний Мажд
Грибоедов хонасининг
эшигини қокди.

— Вазир! Мухтор!
— деди у ичкари киргач. —
Бозорда хушқаб галлар
бўлар эди. Мен уларга
унча аҳамият бермас
эдим. Аммо бугунги
гапдан ҳавотирга
тушдим.

— Эй, Худойим!
— деб юборди
Грибоедов ва кўзой-
нагини тақиб, унга
қулиб қаради. — Шундай
пахлавон йигитнинг
йўрагига қандай гап
гулгула солди экан?

— Сизни, мухтарам
мухтор вазир, жонингизга
қасд қилишмоқчи, — деди
Мажд унғайсизланиб,
— Шунинг учун, шохга
айтиб, элчихона атрофи-
га беш-унта новкар қўйди-
сангиз, анча беҳаватирроқ
бўлар эдингиз.

— Биз русларда «Бўри-
дан қўрққан ўрмонга
бормас» деган нақл бор.
— деди Грибоедов табас-
сум билан. — Агар мен

(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

аллақандай қотиллардан
қўрқсам, афсонавий Эронга
элчи бўлиб келмас эдим.

1829 йилнинг 10-январи-
да яшанба кун, кеч соат
10 да кўзларига қора
никот тутган кимсалар рус
элчихонасига бостириб
қилиб, хотиржам суҳбатла-
шиб ўтирган тўрт кишининг
бошларини олиб кетишди.
Фақат эртаси кун келган

Тарих тилга кирганда

йигиб маслаҳат солди.
Марҳум Вазир Мухтор ва
унинг уч хизматчисининг
жасадлари солинган тобут-
ларни Россияга элтувчи
карвонга шахзода Хисрав
Мирзонинг бошчилик қилиб
боришини жойиз топишди.
Карвон йўлга чиқиб олди-
дан, шох ўғлини ёнига

— Ахир бу «Дарёи нур»
гавҳари-ку, шохим?! — деди
шахзода.

— Ха, шундай! Илоҳимиз
йўқ. Бу асл гавҳарни
менинг номимдан «Оқ
подшога» совға қиласан. —
деди шох бир хўрсиниб, —
Карвон йўлга чиқиб олди-
дан, шох ўғлини ёнига



Мажд ва элчихонанинг
бошқа хизматчилари Грибо-
едовнинг қонга беланган
жасадини унинг бир бар-
моқсиз қўлидан таниб
олишди.

Бундай муҳиш хабарни
эшитган Эрон шохининг
хайратдан тили гапга кел-
май қолди. Вазирларини

чақирди.
— Йўлинг оғир ва олис,
сафаринг эса хатарлидир, —
деди кекса шох қўзига ёш
олиб. — Ўта зийрак бўлиб,
ўзингни эҳтиёт қил... Мана
бу ҳаммени эса доим
қўйингизда сақла! — деб
шахзоданинг бўйнига чарм
ҳамён осди.

фақат шу гавҳаргина юртга
тинчлик ато этиб, сени яна
бағримга босиб имконини
берар деган умиддаман...

... Император Николай I
гавҳарни қўлига олди, уни
хавас билан томоша қилиб,
деди:

Чиндан ҳам гавҳор-
ларнинг шохни экан бу

гавҳар!

Шу-шу бўлдию, бу
гавҳарнинг номи гавҳор-
лар тарихига «Шох» номи
билан кириб келди.
Даставал Россия импера-
торининг тождан жой
олган «шох», ҳозирги
жунда Москва Кремлининг
Олмослар фондида сақ-
ланмоқда.

1980 йилларнинг
бошида «Дарёи нур»
номи билан овоза
бўлган яна бир
олмос, аслида бутун-
лай бошқа ва «Улуғ
Мўғул олмоси»га
алоқаси йўқ. Чунки
бу олмос тиник
пушти ранг бўлиб, у
ҳам Нодиршоҳ томо-
нидан Бобурийлар
хазинасидан 1739
йили олиб кетилган.

Бу гавҳорларга
1834 йили Техронда
ишлов берилаётгани-
да икки бўлакка
бўлиниб кетди. 175
каратлиси Эрон шох
томонидан 1829 йили
Россия императорига
ҳадя қилинган

ҳақиқий «Дарёи нур»
хотираси учун. «Дарёи
нур» деб аталди,
иккинчи бўлаги эса,
вазир 60 карат
бўлиб, жаҳонда энг
йирик тўқ пушти
рангли гавҳар сифа-
тида «Нурлан» номи билан
дунёга танилди. Бу иккала
гавҳар ҳам Эрон хазина-
сида сақланмоқда.

Аъзам АЗИМОВ,
техника фанлари
доктори, профессор.

(Давоми бор).

С И Н А Ш

ажрата олмай қоламиз-ку?
Зағизгон сергақ тортиди:
Булбул муҳаррир Зағиз-
гонга. — Мана, охири
сонда мен тонгда атиргул
шоҳига қўниб қўйлаган
наво нотасини олинг. Шу
нота бўйича сайрасам, бу
қўйни мен эмас, Қарқуноқ
қўйлаган бўлиб чиқади.
Хўрозвойнинг тонг саҳарда
қичқириси Мушук панжа-
сидаги Жўжунинг чийилла-
шига ўхшаб қолган. Нима
қилаёсизлар?! Бу жолда
тўғри қайсию, хато қайси

ўқувчиларимиз хушёрми-
кан, хатоларини илғаб
олармикан, оҳанглар
фарқида борармикан, деб
уларни синаялмиш. Раҳмат
сизга, сиз бу синовдан
ўтдингиз, сизда туғма
истеъдод бор-да ўзи.
Қаргани олинг, ўрмонда
200 йилдан бери яшайди,
минглаб оҳанглари эшит-
ган, ўзини доно деб
билади. Аммо, оҳанглар-

Насрий масал

нинг фарқида бормайди,
уларни ажрата олмайди.
Бўлмаса, у дархол келар-
ди бир қоп даъво билан.
У синовдан ўтолмайди
ҳам...

— Шу ҳам синов
бўлдию, — деди Булбул
қуёни ва сайраб юборди.
Хатолар бошини гангитди-
ми, унинг сайраши Жибла-
жоннинг чуғурга ўхшаб
кетди...

Мирфозил
МИРЗААХМЕДОВ.

БОЙ БЕРИЛГАН
ИМКОНИАТ

22 сентябрь кун Тошкентдаги «Пах-
такор» марказий стадионда Ўзбеки-
стон терма жамоаси Осиё минтақаси
савраш гуруҳи беллашувлари доира-
сида Бирлашган Араб Аммирликлари
футболчиларини қараб қилди.

Шу кун барча юрт-
дошларимиз кўнглидан,
миллий терма жамоамиз
албатта галаба қозонади,
деган умид кечганлиги
аниқ. Чунки бундан ол-
динги турда футболчилари-
римиз ўзларининг гуруҳ-
даги асосий рақибни Хи-
тоига енгилган араблар-
га қарши ўйинда терма
жамоамизни фақатгина
галабага ундаши лозим
эди. Бундан ташқари,
терма жамоамизнинг бу
йилги савраш ўйинлари-
да дастлабки учрашувда
4:1 ҳисобда енгилгани
ҳам Тошкентда араб фут-
болчиларига қашқатқич
зарба беришни тақозо
этарди.

Бирок, минг афсуски,
футболчиларимиз қутил-
ган ўйинни намойиш эт-
олмади. Беллашув бош-
ланиши билан Аммирлик
футболчилари меҳмонда
ўйнаётганига қарамай,
анча дадил ҳаракат қил-
ди ва учрашувнинг беш-
инчи дақиқасидаёқ
хисобни очди. Қиритил-
ган тўпдан сўнг, рақиблар
бутун жамоа бўлиб ҳимо-
яланишга ва қарши
ҳужумда ўйнашга кириш-
ди. Вакилларимиз бутун
диққат-эътиборини

ҳужумга қаратди. Аммо бу
кутилган натижани бер-
мади.
Айни пайтда муҳлис-
лар мутахассислар фут-
болчиларимиз мағлубия-
ти сабабини таҳлил
қилиш билан банд. Бу-
нинг асосий сабаблари-
дан бири сифатида Ўзбе-
кистон терма жамоаси-
нинг деярли янгиланган
таркиби билан майдонга
тушгани айтилмоқда. Н.
Ширшов, Ж. Ирисметов,
С. Лушан каби етакчи фут-
болчиларимизнинг аввал-
ги учрашувларда сарик
ва қизил қарточкалар
билан жазолангани улар-
ни бу галги ўйинга қат-
нашиш ҳуқуқидан маҳрум
этган бўлса, М. Шақиж
бетоблиги сабабли май-
донга чиқа олмади.

Терма жамоамизнинг
яхши ўйин кўрсата
олмаётганининг яна бир
сабаби футболчилар
ўртасида бир-бирини ту-
шуниш йўқлигида. Барча
масъулиятни М. Қосимов
зиммасига юклаш, етак-
чи ўйинчиларга ҳаддан
ташқари ишонини ўзини
охламади. Зеро, футбол
жамоа ўйини.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ
(ЎЗА).

Дам олиш соатларида

БАРЧАСИ «Б» БИЛАН БОШЛАНАДИ

БЎЙИГА: 1. Денгиз тубини тадқиқ
қилувчи кема. 2. Шимолий Америка
ёввойи қорамоли. 3. Шамолда уюл-
ган кўма қумтала. 4. Танаси йўғон
тропик дарахт. 5. Тўхтам, келишув.
6. Самарқанд вилоятидаги туман. 10.
Қадимда князларнинг тантаналарда
қийдиган қийми. 13. Венеция қай-
иқчиларининг қўшиги. 14. ГФР ар-
миясининг номи. 16. Кичик қўл аккумуля-
торлари. 17. «Санта-...» сериали.
22. Олмон бастакори. 24. АБР. 25.
Егон сопли иш қуроли. 28. Садақа,
эхсон, хайр, инъом. 29. Қўзис та-
қинчок. 30. Тиғи дастасига параллел
асбоб. 32. ГФР, Швейцария ва Авес-
трия чегарасидаги йирик кўл.

ЭНИГА: 7. Чуккур сув остида юра-
диган аппарат. 8. Йирик баргли қўп
йиллик ўт. 9. Суюқлик солинадиган
қопқоқли идиш. 11. Смолали
моддаларнинг умумий номи. 12.
Шимолий Африканинг тўб аҳоли-
си. 15. Данаги олиниб қўрилган
ўрик қоқи. 18. Гулзорни хуш қўра-
диган сайроқи қўш. 19. Пуфлаб ча-
линадиган чолгу асбоби. 20. Пуф-
лама мис созлар оркестри. 21.
Чипта, чек. 23. Атиргуллар оила-
сига мансуб қўп йиллик ўт. 26. Си-
ликатлар гуруҳига қирадиган ми-
нерал. 27. Норвегиядаги шаҳар ва
порт. 31. Эгасиз қўлиб, давлат ик-
тиёрига ўтган мол-мулк. 33. Ама-
лий санъатда кенг тарқалган нақш
тури. 34. Мумтоз ўзбек шоири. 35.
Беш сўмлик пул. 36. Баҳайбат
қўпак ит.

Тузувчи: Тожияли УМАРОВ.

Газетамизнинг 19 сентябрь сониди босилган
крөсворднинг жавоблари

БЎЙИГА: 1. Меласса. 2. Моний. 3. Тромб. 4. Ветчина. 7. Ампер. 8.
Аврат. 10. Аллигатор. 11. Парманчак. 15. Лобар. 16. Қозон. 21. Қашалот.
22. Юнкер. 23. Чағир. 24. Соломон. 28. Балет. 29. Анапа.
ЭНИГА: 5. Бегемот. 6. Архимед. 9. Шомгвие. 12. Асолл.